## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

1991 — 1998

7

МУСТАҚИЛЛИК

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 28 августда Тошкентда ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессия ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар Мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тингладилар ва Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари ваколатларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда маъруза қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э.Воҳидов Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашгани муносабати билан қўмитадаги депутатларнинг топшириғига биноан махсус баёнот қабул қилишни таклиф этди. Бу таклифни сўзга чиққан Миллий тикланиш демократик партиясининг раиси И.Ғафуров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Раиси Д. Ғуломова, «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё бўлими фахрийлар кенгашининг раиси С. Усмонов, Сурхондарё вилояти Денов туманининг ҳокими Т. Менглиев, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири Ҳ. Ҳамидов қўллаб-қувватлади.

Парламент Олий Мажлис баёнотини қабул қилди, унда БМТ ва жаҳон ҳамжамияти бу мамлакатда хунрезликни тўхтатиш ва афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини излаш учун шошилинч чоралар кўришга даъват этилган.

Парламентда биринчи ўқишда кўриб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова маъруза қилди. Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик бўйича қўмита котиби Т. Усмонов қўшимча маъруза қилди.

Кодекс лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова, "Камолот" республика ёшлар жамғармаси Қашқадарё бўлимининг раиси Б.Юсупов, Хоразм вилояти Боғот тумани ҳокими Ш.Хўжаниёзова, Наманган вилояти Уйчи туманидаги "Ипакчи" акциядорлик жамиятининг раиси Т.Сатторов иштирок этди. Депутатлар Уй-жой кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П.Қодиров депутатларга «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқади. Давлатимиз бошлиғи республиканинг таъсис этилаётган янги мукофотларининг чуқур моҳиятини, мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлодлари учун уларнинг улкан аҳамиятини ҳар томонлама тушунтириб берди. Бу мукофотлар билан, деди Президент, илмий асарлари ва ижодий истеъдоди билан мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ва жамиятимизнинг маънавий тикланишига кўмаклашадиган, спорт соҳасидаги юксак ютуқлари билан Ўзбекистоннинг обрўси ва шон-шуҳрати ортишига ёрдамлашадиган кишилар мукофотланади. Парламент мазкур мукофотларни таъсис этиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилиши Давлат ер кадастри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш билан бошланди. Шу масала юзасидан Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси Ҳ. Тошев маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент Давлат аграр университетининг ректори Ҳ. Бўриев, Фарғона вилояти Бувайда туманининг ҳокими О.Назаров, Самарқанд вилояти Ургут туманининг ҳокими Ў. Махматмуродов иштирок этди. Парламент Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев халқ вакилларига банкротлик тўғрисида янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини тақдим қилди. Бухоро шаҳри ҳокими К. Камолов, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятининг бош директори В. Кучеров, Самарқанд кимё заводининг директори О. Қиличев, Тошкент вилоятидаги «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамиятининг раиси М. Худоёров сўзга чиққандан сўнг, депутатлар банкротлик тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 29 августда ўз ишини давом эттиради.

*(�ЎзА)*

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 29 август, шанба ● № 102-103 (22.340).

*Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида*

**Владимир МОЛГАЧЕВ ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

# Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови

### *Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн иккинчи сессиясидаги маърузаси*

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энг аввало, сизлар билан қутлуғ айём — мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида дийдор кўришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу кунларда ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиш, олдимизда турган муаммолар ҳақида гапириш табиийдир. Шунингдек, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган айрим хатарли ва кескин масалалар ҳақида ҳам сизлар билан фикр алмашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мен сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган биринчи масала — бу демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қабул қилаётган қонунларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш масаласидир. Бугунги кунда барча муаммоларимиз қаторида бу масала энг долзарб вазифага айланмоқда.

Биз мамлакатимизда янги, мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди, деб айтишга барча асосимиз бор. Бугун биз:

— давлат қурилиши соҳасида;

— сиёсий тузумни шакллантириш ва жамиятнинг демократик асосларини вужудга келтириш, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя этиш соҳаларида;

— иқтисодни ислоҳ қилиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасида;

— маънавий янгиланиш, маданий қурилиш соҳасида;

— ҳарбий кучларни қуриш, мамлакатнинг мудофаа қудратини таъминлаш, чегараларни қўриқлаш ва умуман олганда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида;

— халқаро муносабатларни барпо этиш, ташқи сиёсатнинг тамойиллари ва устувор йўналишларини шакллантириш, халқаро тузилмалар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик соҳасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мукаммал мажмуига эгамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий замин, халқаро экспертларнинг баҳоларига кўра, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйиладиган энг юксак ва талабчан меъёрларга тўла жавоб бера олади.

Қонунчилик соҳасида қилган улкан ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор, сиз муҳтарам депутатларнинг хизматларингизни, қонун чиқарувчи юқори органимиз — Олий Мажлис ҳиссасини катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу билан бирга, қонунчилик базасини вужудга келтириш бўйича барча ишлар ниҳоясига етган деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини ҳам яхши биламиз.

Бу жараённи яна давом эттириш билан бир қаторда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига давр тақозоси ва тўпланган тажриба асосида ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий заминни мустаҳкамлашга қаратилган оғир ва машаққатли, айтиш мумкинки, кундалик қора меҳнат амалга оширилмоқда. Бусиз ҳуқуқий давлат қуриш ҳақида гапиришнинг маъноси йўқ.

Ишончимиз комилки, бугунги сессиямиз ҳам ҳуқуқий майдонни мустаҳкамлашга, давлатимиз ва жамиятимизнинг шаклланиши ва ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, бизда қонунчилик базаси юзага келмоқда. Қонунлар қабул қилинмоқда. Табиий савол туғилади: хўш, улар қандай бажариляпти, қандай ижро этиляпти?

Қонун қабул қилиш — бу ишнинг ярми холос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим.

Энг муҳими, шу қонунларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳокимият тузилмаларининг масъулиятини ошириш зарур. Тан олиш керак: бу соҳада ҳали кўпгина камчилик-нуқсонлар борки, улар баъзан ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча ишларни йўққа чиқариши мумкин. Бу нуқсонларни пухталик билан бартараф этиш шарт.

Энг муҳим муаммолардан бири — ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга, хусусий мулк манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини амалга оширищдан иборат.

Аввал зикр этилганидек, келажак тақдири айнан шу масалага боғлиқ. Жамиятнинг асосини, унинг ижтимоий таркибини ҳақиқий ўрта мулкдорларнинг кенг қатлами ташкил этган тақдирдагина жамият барқарор бўлади, гуллаб-яшнайди. Аниқ-равшан кўриниб турган бу ҳақиқатни бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Яқин тарихимизни сизга эслатмоқчиман.

Ёдингизда бўлса, яқиндагина, мустақилликнинг дастлабки йилларида биз хусусий мулк тушунчаси билан боғлиқ барча нарсаларга, баъзи одамларнинг ўз тижорат ишини очишга, мулкдор бўлишга интилишларига нисбатан салбий муносабатда эдик.

Хусусий мулк деган иборанинг ўзиёқ кўпчиликда нохушлик ва ижтимоий норозилик уйғотарди. Уй-жойлар, дўконларни хусусий мулк сифатида сотиб олиш, хусусий корхона ва фермер хўжаликларини ташкил этиш одамлар томонидан ўта салбий тарзда қабул қилинарди. Бу фикрни давом эттириб ўтириш шарт эмас, буни ўзларингиз жуда яхши биласизлар.

Вақт ўтган сари ҳаёт ўзгармоқда, қадриятлар, одамларнинг тафаккур тарзи ўзгармоқда. Ҳар биримиз ўз онгимизда қандай ички ўзгаришлар содир бўлганини, тасаввур ва тафаккуримиз, бутун маърифий дунёда асрлар давомида шаклланган ва бугунги кунда демократик тараққиёт ва фаровонлик асоси ҳисобланувчи қадриятларга нисбатан муносабатимиз ўзгарганини сезиб турибмиз.

Шу муносабат билан бизнинг олға силжишимизга ўтмиш асоратлари, ўтмиш сарқитлари нақадар катта зарар етказаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ўтмиш тузумининг бир қаращда жозибали бўлиб туюладиган, аслида эса ҳаётдан ниҳоятда узоқ бўлган сохта қадриятлари бизнинг онгимизга ҳалигача таъсир қилаётгани бугунги кунда ривожланишимиз йўлида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Буни барчамиз тан олишимиз даркор.

Шу сабабли, бугун бизнинг ҳаётимизда **эскича қараш ва қолиплардан буткул воз кечиш, янги мулк муносабатларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларини оғишмай амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.**

Биз ҳаётда янги тушунча ва кўникмалар билан дадил фикр юритишимиз зарур. Ўз меҳнати билан ўз бойлигини, ўз оиласи бойлигини, бинобарин, жамият бойлигини яратаётган одам, унинг ташвиш ва мақсадлари бизнинг диққат-марказимизда, ислоҳотларимиз марказида бўлмоғи даркор.

Мулкдорлар тоифасига кенг йўл очиш керак, токи у жамиятнинг етакчи ҳаракатлантирувчи кучига, жамиятнинг масъул шахсига айлансин. Бу масала бугунги кундаги энг асосий вазифамиздир.

Иккинчи масала — демократик тафаккур, ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш масаласидир.

Конституцияга биноан ҳар бир

*(Давоми 2-бетда)*

### *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

## «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени таъсис этилсин.
2. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. **«Эл-юрт ҳурмати»** орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 266-модда; 1996 йил, N 5-6, 63-модда; N 9, 120-модда) «Буюк хизматлари учун» ордени» деган сўзлардан сўнг **«Эл-юрт ҳурмати» ордени»** деган сўзлар билан тўлдирилсин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 август.

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени тўғрисидаги Низом

1. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар.

**«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин.

2. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карра миқдоридаги бир йўла пул мукофотини оладилар. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени кўкракнинг чап томонига тақиб юрилади.

5. **«Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени тавсифи



**«Эл-юрт ҳурмати»** ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади, у икки ёқлама нурлар таралувчи саккиз қиррали юлдуз шаклига эга. Юлдуз бурчаклари орасида зангори рангдаги шаффоф эмаль қопланган таралувчи нур тутамлари жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши қиррали оралиғидаги масофа — 57 миллиметр. Нурларни ўз ичига олган доира диаметри — 52 миллиметр.

Орденнинг марказида чиқаётган қуёш, водийлар ва тоғлар фонида Регистон архитектура мажмуи тасвирланган. Фон рангли эмаль билан қопланган.

Тасвир атрофи 5 миллиметр кенгликдаги айлана билан ҳошияланган. Хошиянинг юқори қисмида, оқ фонда **«EL-YURT HURMATI»** сўзлари, хошиянинг пастки қисмида — яшил шаффоф эмаль билан қопланган дафна шохлари жойлашган.

Орқа томонида, пастки қисмида орден рақами1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги муҳайяр лента ўралган қадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади.

Орден қалинлиги — 8 миллиметр.

Орден вазни — 62,5 грамм.

---

### *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

## Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. **«Ўзбекистон ифтихори»** фахрий унвони таъсис этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 5-6, 64-модда; 1997 йил, N 2, 64-модда; 1998 йил, N 5-6, 114-модда) 1-моддаси «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» деган сўзлардан сўнг қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

**«Ўзбекистон ифтихори».**

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони тўғрисидаги матндан сўнг қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

**«Ўзбекистон ифтихори»** фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида ғолиблик — чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шону ва шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади».

4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвонининг кўкрак нишони тавсифи матнидан сўнг қуйидаги мазмундаги матн билан тўлдирилсин:

**«Ўзбекистон ифтихори»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 36 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томони оқ эмаль билан қопланган бўлиб, стадион тасвири ва яшил рангли футбол майдони акс эттирилган, унинг пастки қисмида олимпия рамзи — бешта ўзаро боғлиқ ҳалқалар жойлашган. Стадиондан юқорида кумуш рангдаги иккита қўл тасвирланган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси рельеф Гербини кўтариб турибди. Нишоннинг юқори қисмида, герб юқорисида **«O`ZBEKISTON IFTIXORI»** деган ёзув жойлашган. Пастки қисмида яшил шаффоф эмаль билан қопланган дафна шохлари жойлашган бўлиб, уларнинг ўртаси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги лента билан ўралган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида 1 миллиметр баландликдаги ботиқ шрифтда нишон рақами қўйилган.

Тасвир ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 август.

---

## Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

# БАЁНОТИ

Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият ғоят кескинлашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси чуқур ташвишда эканлигини изҳор этади.

Мамлакатимиз чегараларининг шундоққина яқинида бугунги кунда рўй бераётган воқеалар қўшни Афғонистондаги биродаркушлик урушининг янада кескинлашувига, хунрезликка олиб бориши мумкин. Тўхтовсиз давом этаётган уруш минтақадаги барқарорликкагина эмас, балки умуман қитъадаги хавфсизликка таҳдид этмоқда.

Бусиз ҳам қалтис вазиятни янада кескинлаштираётган ҳамда ҳарбий қарама-қаршиликни кучайтираётган ташқи кучларнинг аралашуви тобора зўрайиб бораётганлиги катта ташвиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон ҳамиша Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг энг изчил тарафдорларидан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам ана шундай бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ва Афғонистон чегарадош мамлакатлар тариқасида тарихан ҳамиша тинч ҳамсоя бўлиб, бизнинг муносабатларимиз яхши қўшничилик, ҳурмат ва ўзаро манфаат асосига қурилган.

Қўшни давлатдаги тинчлик ва тотувлик, чегараларимиздаги барқарорлик Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг ҳамда халқимизни уруш келтириши мумкин бўлган қашшоқлик ва кулфатлардан сақлашнинг муҳим шартидир. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва ўзининг бевосита жанубий сарҳадларида кучайиб бораётган таҳдидни эътиборга олиб, хавфсизликни таъминлаш ва ўз чегараларини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрмоқда.

Олий Мажлис Афғонистондаги тангликни тинч йўл билан бартараф этиш юзасидан аввал Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ташаббусларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

БМТ ва халқаро ҳамжамиятнинг энг фаол ёрдамидагина бу давлатда узоқ муддатли ва пухта тинчликка эришиш мумкин. Қуйидаги шартларни таъминлаш ғоят муҳимдир:

**Биринчидан.** Барча жанговар ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш.

*(Давоми 2-бетда)*

# Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

кишига эркин танлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг ҳуқуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табиийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим.

Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган қонунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Булар — қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатига қараб, кўпчилик жамиятда қонун кучига қандай амал қилинаётганига, ҳуқуқий механизмлар нечоғли кучли эканига, ҳуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради.

Бу борада биздан кўп меҳнат талаб қиладиган, ечимини кутаётган муаммолар бор. Қонунни бузган одамларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш, фақат кадрларни алмаштириш билангина ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, аввалambor ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда. Бунда депутатлар, Адлия вазирлиги, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарув ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига, хуллас, ҳаммамизга — Президентдан тортиб то қуйи бўғин раҳбарларигача етарли иш топилади. Мазкур соҳада жамоатчилик назоратининг, жамоат ташкилотларининг, жамоат фикрини ифода этадиган матбуот ва телевидениенинг аҳамияти беқиёсдир.

Шу масалани ечиш йўлида учинчи масала бор бўй-басти билан турмокдаки, бу — демократик институтларни, турли жамоатчилик ва нодавлат тузилмаларини, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласидир. Шу билан бирга, матбуот органлари ва телевидениега кенг йўл очиб бериб, уларнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш вазифаси.

Фуқаролар жамиятини қурмоқчи эканмиз, ишни аввалambor шундан бошлаш лозим.

Демократик институтлар жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиши, ҳал қилувчи кучга эга бўлиши зарур. Бу гап ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига — иқтисодиётга, сиёсатга ва албатта маънавиятга ҳам бирдай тааллуқлидир.

Оддий бир ҳақиқатни тушунишимиз керакки, демократик институтларни юқоридан, давлат органлари қарори билан яратиб бўлмайди. Бу эскича фикрлашдан бошқа нарса эмас. Юқоридан шаклланган, ташкил этилган барча тадбирлар, одатда, яшашга ноқобил бўлиб чиқади.

Жамоат ва нодавлат тузилмалари ҳаёт тақозоси билан, давр талабига кўра ташкил этилиши керак. Ҳокимиятнинг маҳаллий ва марказий бошқарув органлари эса бу жараёнга тўсиқ бўлмасликлари, аксинча, бу янги демократик ва жамоат тузилмаларини ташкил этишни рағбатлантиришлари лозим. Токи одамларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик ишларида, фуқаролик жамиятини қуришда, турмушимизнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи қадриятларни шакллантиришда кўпроқ ва фаолроқ қатнашсинлар. Ана ўшанда четдан туриб томоша қилувчилар, танқидчилар камаяди.

Демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад — кўпчиликни мумкин қадар жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақонли эгаларига айлантиришдан иборатдир.

Тўртинчи. Олдин айтганимдек, бу жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб масаладир. Гап кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилган миллий дастуримиз ҳақида бормокда.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масалани бирданига, бир кунда ечиш мумкин эмас. Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади. Бу соҳада узоқ йиллар мобайнида шу қадар кўп муаммолар тўпланиб қолдики, эндиликда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Лекин қош қўяман деб кўз чиқармаслик керак. Кадрлар тайёрлашда ўйламай босилган қадам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, гап энг муқаддас ва нозик нарса — фарзандларимиз қалби ҳақида, маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини яратиш, ёш инсонни муайян касбга йўналтириш ҳақида бормокда.

Бу муаммони ечиш учун аввало таълим тизимини — мактаб ёшигача бўлган бола тарбиясидан бошлаб юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, юксак ақл-заковат салоҳиятини шакллантириш, бунинг учун замонавий моддий-техник ва ахборот базасини яратишгача бўлган барча соҳаларни ислоҳ этиш керак. Бу таълим тизимига бевосита дахлдор соҳаларни бутунлай ислоҳ қилишни тақозо этади.

Энг аввало бизнинг таълим тизимига бўлган муносабатимизни ҳам тубдан ўзгартириш керак. **Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга беш бармокдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аён бўлсинким, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас.**

Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди.

Жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёт ва равнақ йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни биз айнан мана шу тамойил асосида ташкил этишимиз керак.

Қадрли дўстлар!

Вақт оқар дарёга ўхшайди, деган нақл бежиз айтилмаган. Бундан етти йил муқаддам биз бошлаган ишларни ким давом эттиради, уни охиригача етказиш учун ким барча қийинчиликлар ва масъулиятни ўз зиммасига олади?

Келинглар, шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Эзгу орзуларимизнинг рўёбга чиқиши худди шу нарсага боғлиқ бўлиб турибди. Биз шу буюк мақсадларни деб мустақил бўлдик, шу мақсадлар деб янги ҳаёт қуряпмиз.

Муҳтарам депутатлар!

Яна бир масала ҳақида гапирмоқчиман. Ўйлайманки, бу масала ҳар бир ватандошимизни қизиқтиради, ўйлантиради. Бугун кўпчилик Россия молия бозорида нималар бўляпти, деб ўзига ўзи савол бермоқда. Россия валютаси — рублга нима бўлди? Бу танглик бизнинг иқтисодиётимиз, молиявий ҳаётимизга, бозорларимиздаги нарх-навога, халқимизнинг турмуш даражасига нечоғли таъсир этиши мумкин?

Бу молиявий танглик, Россия рубли қадрсизланиши, банк тизимидаги беқарорлик, шунингдек, олдиндан айтиб бўлмайдиган нохушликлар сабаби ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Бу бизнинг мақсадимизга кирмайди.

Ўйлайманки, жамоатчилигимизда, халқимизда бу масалалар бўйича етарли фикр-маълумот бор.

Изчил ривожланиш муаммосини фақат ҳар хил молиявий найранглар, молиявий пирамидалар, жумладан, қисқа муддатли давлат облигациялари, ёки жўнроқ айтганда, ГКО бозорини ташкил этиш билан, шунингдек бюджет харажатларини қоплаш учун кредит ресурсларини четдан олиш билан ҳал қилиб бўлмайди.

Барчамизга аёнки, иқтисодиётнинг реал секторлари — саноатда, қишлоқ хўжалигида, яъни ҳар бир давлатнинг изчил ривожини таъминловчи иқтисодиёт тармоқлари жонланиши иқтисодни соғломлаштиришга олиб келади. Бусиз молиявий тангликдан қутулиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Узоққа мўлжалланган, иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини аниқлаб берадиган, пухта ўйланган дастур керак. Бу дастурга халқни ишонтира билиш, уни амалга ошириш учун элни сафарбар эта билиш зарур. Ким ҳақ, ким ноҳақ деб, ўзаро тортишувдан фойда йўқ. Сиёсий можароларга чек қўйиш керак. Менимча, фақат ягона платформа ишлаб чиқилган тақдирдагина бугунги қийин вазиятдан чиқиш мумкин.

Россия молия бозоридаги салбий аҳвол валютамиз курсига ва умуман биздаги мавжуд нарх-навога таъсир этадими? Очиқ айтишим керак: таъсир этади. Чунки Россия билан савдо, иқтисодий алоқаларимиз бор ва Россия бизнинг асосий ҳамкорларимиздан биридир. Лекин, аниқ айтишим мумкинки, бу танглик бизнинг иқтисодимизга катта таъсир қила олмайди. Бунинг сабаблари қуйидагича:

**Биринчидан**. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган Россия банклари саноқли.

**Иккинчидан.** Россия банклари билан ўзаро тўлов муносабатларимиз эркин конвертация қилинадиган «қаттиқ» валюта асосига қурилган.

**Учинчидан.** Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айланиш ҳажми ташқи савдо обороти умумий ҳажмининг атиги 15-20 фоизини ташкил этади. Россиядан биз асосан нархи кескин ўзгармайдиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, саноат-техник мақсадларга мўлжалланган буюмлар харид қиламиз.

Россиянинг тегишли идоралари, банклари билан биз бугун бу салбий таъсирнинг мумкин қадар кам бўлиши чораларини кўряпмиз.

Россия ўз валютаси ва молиявий тизими муаммоларини тезроқ бартараф этишидан биз манфаатдормиз ва Россия бу ишнинг уддасидан чиқишига ишонамиз. Шу борада Россияда Виктор Степанович Черномирдин бошчилигида янги ҳукумат тайин бўлаётганини ҳам бу фикрнинг исботи деб қабул қилишни истардим. В. С. Черномирдинни Ўзбекистон аҳли яхши танийди. Унинг фаолиятига омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун жаҳон халқларининг бутун диққат-эътибори Афғонистонга қаратилган. Афғонистондаги воқеалар, айниқса, бизнинг мамлакатимиз фуқароларини ташвишлантирмоқда. Шу муносабат билан жанубий чегараларимиздаги аҳвол ҳақида қисқача ахборот бериб, хонадонимизда, умуман, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга доир фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Ўзингизга маълумки, кейинги пайтларда Афғонистонда ва Афғонистон атрофида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашди. «Толибон» ҳаракати вакиллари ташқи кучларнинг фаол ҳарбий, сиёсий ва молиявий ёрдамига таяниб, қисқа муддатларда Афғонистон шимолидаги муҳим шаҳар ва қишлоқларни босиб олди.

Биродаркушлик уруши бутун мамлакатга ёйилиб, бегуноҳ қон тўкилмоқда. Афғонистон бугун амалда халқаро терроризм, диний экстремизм майдонига, жаҳон наркобизнеси марказига айланиб қолмоқда.

Вазият шундай таранглашдики, эртага нима бўлишини олдиндан айтиш қийин. Зиддият назорат қилиб бўлмайдиган даражага етиб, қўшни давлатларга ҳам ўтиши мумкин. Уруш оловининг тафтини ватанимиз чегараларида шундоқ сезиб турибмиз.

Мақсадлари, вазифалари ҳамда дастурий йўналиши бўйича «Толибон» ҳаракати жангари, ўта радикал диний ташкилотдир. «Толиблар» Афғонистонда ҳокимиятни қўлга киритиш билан чекланмасдан, ўз мафкураларини қўшни мамлакатларга, энг аввало Марказий Осиё минтақасига ёйиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари эҳтимолдан холи эмас.

Мана шундай интилишлар Марказий Осиёда барқарорликнинг издан чиқишига, Афғонистон ҳудудидан бу минтақага ҳар хил ақидапарастлар, экстремистлар, террорчиларнинг суқулиб киришига сабаб бўлиши мумкин. Тинч ҳаётимизга, барқарорлик, хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган шундай хавф борлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Айтиш керакки, воқеаларнинг бундай тус олиши биз учун янгилик эмас. Вазиятнинг жиддийлигини жаҳон афкор оммасига, аввало мухолиф кучларга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, тахмин ва хулосаларимиз, афсуски, тўғри бўлиб чиқди.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг тинчлик ва амалий ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, биз таклиф этган механизмлар ишга солинганида эди, бугун жаҳон ҳамжамияти, Марказий Осиё минтақаси, бизнинг мамлакатимиз Афғонистондаги уруш келтириб чиқарган хавфсизликка бўлган ҳақиқий таҳдидга рўбарў келмаган бўлар эди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича Ўзбекистон позициясининг моҳияти нимадан иборат, бизнинг ташаббусларимиз нималарни кўзда тутади? Бу борадаги бизнинг қарашларимиз аниқ-равшан ва изчилдир.

Биз ўз қўшниларимиз билан, уларнинг сиёсий йўли, бу мамлакатлардаги мавжуд давлат қурилиши ва тузумидан қатъи назар, тинч ва барқарор муносабат ўрнатишга интиламиз. Чунки қўшни давлатлардаги тинчлик ва тотувлик, бизнинг сарҳадларимиздаги осойишталик барқарор, мустақил ва фаровон Ўзбекистон давлатини барпо этишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фақат тинчлик ва тотувликкина захматкаш халқимиз етти йил мобайнида қўлга киритган мустақиллик самараларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Бизнинг мамлакатимиз афғон можаросини ҳал этиш бўйича аниқ ва равшан таклифларга эга. Биз бу ҳақда кўп маротаба гапирганмиз. Уларнинг асосий моҳияти нималардан иборат?

Биринчи. Музокаралар жараёни бошланишининг шарти сифатида барча жанговар ҳаракатларни тўхтатиш. Можарога дахлдор бўлган барча томонлар олдиндан ҳеч қандай шарт ва талаблар қўймасдан, жафокаш афғон халқи манфаатларидан келиб чиқиб, афғонлараро мулоқотни бошлаш учун ўз сиёсий иродасини ва инсоний мардликларини намоён этишлари даркор. Ҳозирги мавжуд вазиятда бу боши берк кўчадан чиқиш йўлидаги энг мураккаб, лекин бирдан-бир зарур қадамдир.

Иккинчи. Ташқаридан таъсир ўтказишга, Афғонистоннинг ички ишларига аралашишга барҳам бериш. Ҳозир шундай вазият вужудга келдики, муайян сабаблар натижасида Афғонистон кўплаб ташқи кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари тўқнашган мамлакатга айланиб қолди.

Афғон гуруҳларини ташқаридан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга чек қўйилмас экан, бу жафокаш заминда тинчлик бўлмайди. Бунга менинг иймоним комил.

Учинчи. Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаёқ бу таклифни ўртага қўйган эди. Шундан буён ўтган тўрт йил давомида ана шу эмбарго механизмлари ишга солинганида, биз бугун танклар, артиллерия, ҳарбий авиация, ракеталар ва бошқа техника воситалари ишлатилаётган катта кўламдаги жанговар ҳаракатларнинг гувоҳи бўлиб турармидик? Вайроналик келтирувчи турли қуроллар бу мамлакатга тобора катта миқдорда жўнатилмоқда. Аёнки, бугун Афғонистонга қурол-яроғ етказиб бераётган кучлар ўз сиёсий мақсадларига эришиш билан бир қаторда, «ўлим савдоси» орқали мўмай даромад билан чўнтакларини тўлдирмоқдалар.

Мен яқинда чегара шаҳримиз Термизда бўлганимда, хаёлимдан шундай оғир ўйлар кечди: шундоқ бир неча юз қадам нарида ўн минглаб бегуноҳ одамлар — болалар, аёллар, кексалар, ана шу ҳарбий техника ёрдами қурбони бўлаётган мамлакат турибди. Одамлар уй-жойидан, пешона тери билан, жонини жабборга бериб топган бойлигидан маҳрум бўлмоқда.

Афғонистонга қурол етказиб беришнинг яна бир хавфли, даҳшатли томони бор. У ҳам бўлса, унинг қўшни мамлакатларга ҳам ёйилиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва диний экстремизм учун қулай шарт-шароит яратилишидир.

Тўртинчи. Мамлакатдаги барча миллий-этник ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар вакилларидан иборат ҳукумат тузиш. Кўп миллатли Афғонистоннинг кўҳна тарихи шундан гувоҳлик берадики, барча этник гуруҳлар ва оз нуфузли миллатлар (пуштунлар, тожиклар, ўзбеклар, хазорийлар, туркманлар ва бошқалар)нинг манфаатлари ҳисобга олинмас экан, бу мамлакатда тинчлик бўлмайди.

Бешинчи. Тинчлик ўрнатиш жараёнида барча манфаатдор мамлакатлар, энг аввало Афғонистонга қўшни давлатларнинг фаол иштирок этиши. Вазият таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу мамлакатдаги можаро фақатгина афғонларнинг муаммоси эмас. Можаронинг манба ва сабаблари ғоят чуқур бўлиб, улар бу мамлакат жуғрофий ҳудудидан анча узоқдадир.

Шу боис, Афғонистоннинг келгуси тақдири учун жаҳон ҳамжамиятининг масъулияти янада ортади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, можарони ҳал этиш борасида Ўзбекистон олға сурган таклифлар энг мақбул йўл бўлиб қолмоқда. Мен бу ўринда, аввало Афғонистон билан бевосита чегарадош давлатлар, шунингдек Россия ва Америка Қўшма Штатларининг «6+2» шакли доирасида БМТ раҳнамолигидаги саъй-ҳаракатларини назарда тутмоқдаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган барча чора-тадбирлар фақат БМТ ҳомийлигида, манфаатдор халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилиши керак.

Афғон муаммосини ҳал этиш борасидаги Ўзбекистоннинг қатъий позицияси ана шундан иборат. У ҳаммага маълум ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Айни вақтда шундай кучлар ҳам борки, уларнинг узоқни кўзлаган ғаразли мақсадларини амалга оширишларида бу позиция тўсқинлик қилмоқда. Толибларнинг Самарқанд ва Бухорога юриши ҳақидаги гап-сўзлар ҳам шундан келиб чиқмоқда.

Мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, бунга ўхшаш миш-мишлардан мақсад — низо қўзғатишдан бошқа нарса эмас. Бундай кучлар қандай мақсадни кўзламоқда? Бу очиқ-равшан — Ўзбекистонга қарши агрессия билан бизни қўрқитиб, чегарамизда можаро чиқариш, бизнинг мамлакатимизни ҳам ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш, бошқариладиган можаро деб аталувчи вазиятни вужудга келтириш.

Бу борада нима дейиш мумкин? Биз ҳеч қачон низо чиқишига йўл қўймаслигимиз ва турли жанжалларга аралашмаслигимиз даркор. Куч ишлатмаслик, муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилини қатъият ва изчиллик билан ҳимоя қилишимиз зарур.

Бундай уруш халқимиз бошига қандай кулфат, азоб-уқубат келтириши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон халқи ҳаётимизнинг энг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келди ва бу йўлда **қатъий** туради. Бу йўл **тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидир.** Барча қўшни мамлакатлар, барча давлатлар билан амалий ҳамкорлик йўлидир.

Биз — тинчлик тарафдоримиз. Лекин, ўз сарҳадларимизни мустаҳкамламасдан, жанговар қобилияти юқори, замонавий қуроллар билан жиҳозланган, ҳар қандай босқинчининг ақлини киритиб қўйишга қодир қуролли кучларсиз тинчлик, осойишталик ва ватанимиз хавфсизлигини сақлаб туриш мумкин эмас.

Сизни ишонтириб айтаманки, биз бу масалага тегишли барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Яқинда Термиз шаҳрига ташриф чоғида яна бир карра ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг армиямиз, бизнинг чегарачиларимиз ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам эмас. Улар Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишга, халқимизни ҳар қандай қуролли ҳужумдан асрашга қодир.

Мен Термизда, мамлакатимизнинг бошқа жойларида оддий одамлар билан учрашиб, яна шу нарсага амин бўлдимки, бизнинг ҳар қандай босқинчиликка, ҳар қандай бузғунчиликка қарши қудратли ва ишончли қуролимиз бор. Бу — халқимизнинг бирлиги, жипслигидир. Унинг эркин, мустақил ва фаровон давлат барпо этишга, керак бўлса, уни фидокорона ҳимоя этишга азму қарор қилганидир.

**Энди Тожикистон масаласига тўхталсак.** Бу борада ҳам бизнинг позициямиз аниқ ва равшан. Биз бу мамлакатда бошланган тинчлик жараёнини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Мен қатъият билан таъкидлайман: жафокаш Тожикистон заминида масаланинг сиёсий ечимини топиш, музокаралар жараёни орқалигина тинчликка эришиш мумкин. Бошқа йўл йўқ. Фақат Тожикистон халқигина ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ўз муаммоларини, ўз тақдирини ҳал этиши, мамлакатнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаши мумкин.

Биз Имомали Раҳмонов ҳукуматининг тинчлик жараёнини давом эттириш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаймиз. Минг йиллар давомида тожиклар билан энг яқин қўшни бўлиб яшаб келамиз. Қардошлик бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Асрий муносабатларимизни юксак қадрлаймиз. Қатъий айтаманки, ана шу муносабатларимиз янада барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз.

**Умуман Марказий Осиё минтақаси ҳақида.** Биз Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон билан муносабатларимизни юқори баҳолаймиз. Бу қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга муҳим аҳамият берамиз. Бу борада қўшниларимиз ҳам шундай фикрда эканига ишонаман.

Шу билан бирга, айрим кучлар борки, бизнинг ҳамкорлигимиз ва бирлигимиз уларнинг геополитика, яъни катта сиёсат деб аталувчи андоза ва қолипларига сира мос тушмаяпти. Биз ўз халқларимизнинг юксак манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳеч қачон бундай кучларнинг таъсирига берилмаслигимиз керак.

Ҳурматли депутатлар!

Сиз, халқ вакиллари, халқимизнинг, Ўзбекистонимиз — азиз Ватанимизнинг тинчлик ва барқарорлигини таъминлашда, унинг чегаралари дахлсизлигини сақлаш йўлида, ислоҳотлар орқали собитқадамлик билан ривожлантириш йўлида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

---

## Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
## БАЁНОТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Иккинчидан.** Бу мамлакатга қурол-яроғ етказиб беришга эмбарго жорий этиш.

**Учинчидан.** Ташқаридан бўладиган аралашишларни тўхтатиш.

**Тўртинчидан.** Этник гуруҳлар ва сиёсий оқимлар кенг вакиллиги иштирокида коалицион ҳукумат тузиш.

**Бешинчидан.** Тинчликни таъминлаш жараёнида барча манфаатдор мамлакатлар, энг аввало Афғонистон билан қўшни мамлакатларнинг фаол иштироки. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида тузилган «6+2» мулоқот гуруҳига Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга ҳамкорлик қилишнинг муҳим халқаро механизми тарикасида қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хунрезликка барҳам бериш ҳамда Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини қидириш юзасидан ғоят шошилинч чоралар кўриш чақириғи билан БМТ ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат этади. 19 йилдан бери давом этаётган фуқаролар уруши Афғонистонни халқаро терроризм ва наркобизнеснинг, диний фанатизм ва экстремизм таҳдидининг хатарли манбаига айлантираётганлигига халқаро жамоатчилик кун сайин ишонч ҳосил қилмоқда.

Олий Мажлис БМТ Афғонистондаги жанговар ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш учун ўз обрў-эътибори ва таъсир кучини ишга солади деб ишонч билдиради.

---

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори*

## Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Баёноти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Баёноти қабул қилинсин.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг Раиси*
***Э. Халилов***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 август

---

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизда фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт истиқлолини мустаҳкамлаш, маънавиятни юксалтириш ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «Буюк хизматлари учун» ордени билан

**Аҳмедов Раҳим** — Ўзбекистон халқ рассоми

**Бурхонов Мутал (Мутаваккил) Музаинович** — бастакор

**Муҳаммеджонов Зокир** — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Аббосов Шухрат Салихович** — «Ўзбеккино» ДАК «Ўзбекфильм» ОТАЖ кинорежиссёри

**Абдуллаев Абдулхақ Оксоқолович** — Ўзбекистон халқ рассоми

**Абдурасулов Абдулла** — Хива «Ичан қалъа» музей-қўриқхонаси директори

**Азизхўжаев Раҳматулла (Раҳмат Азизхўжаев)** — ёзувчи

**Акилова Виктория (Вилоят) Исохоровна** — «Ўзбекракс» миллий ракс бирлашмаси балетмейстери

**Алиев Аҳмад Умарович** — Тошкент Давлат университети доценти

**Алимов Вали** — Тошкент педиатрия-тиббиёт институти профессори

**Арипов Мирҳосил (Тўйчи)** — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

**Арипов Ўктам Арипович** — I Тошкент Давлат тиббиёт институти профессор-консультанти, академик

**Ахмедов Карим Содиқович** — Тошкент кимё-технология институти профессори, академик

**Бобоев Собир** — бастакор

**Бобохонова Хадича Абдурасуловна** — Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Ботиров Роальд (Равиль) Измайлович** — «Ўзбеккино» ДАК «Ўзбекфильм» ОТАЖ кинорежиссёри

**Ботирова Шарофат** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлимининг масъул котиби

**Бурнашева Қамара** — Ўзбекистон халқ артисти

**Вахобова Ўктам Каримовна** — Самарқанд тиббиёт институти кафедра мудири

**Довидова Берда** — Ўзбекистон халқ артисти

**Есенбоев Зиёд Исламович** — «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири

**Ёқубов Одил Эгамбердиевич** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Ибрагимов Қурилиш Мадраимович** — Қашқадарё вилояти силга қарши диспансер шифокори

**Йўлдошев Толип (Толип Йўлдош)** — ёзувчи

**Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна** — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

**Каримова Розия** — Ўзбекистон халқ артисти

**Кенжаев Мухитдин Акромович** — Навоий шаҳри Фарҳод маданият саройининг бадиий раҳбари

**Мамадалиев Паттохон** — Тошкент Давлат консерваторияси профессори

**Машрабов Зокиржон Машрабович** — «Бобур» халқаро жамғармаси раиси

**Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич** — боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раиси, академик

**Мирсаидов Мирмуҳсин (Мирмуҳсин)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Муратходжаев Наримон Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Онкология ва радиология илмий-текшириш институтининг директори

**Мусаев Жўра Азимбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораторияси мудири, академик

**Мўминов Пўлат (Пўлат Мўмин)** — Ўзбекистон халқ шоири

**Осипова Евгения Николаевна** — Тошкент шаҳар 6-сонли туғруқхона акушер-гинекологи

**Раҳимов Иброҳим Абдураҳимович (Иброҳим Раҳим)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

*(Давоми 3-бетда)*

---

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Республикамизда фан-техника, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришга, давлатлараро муносабатларни ҳамда ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини юксалтиришга қўшган ҳиссалари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «Буюк хизматлари учун» ордени билан

**Жўрабеков Исмоил Ҳакимович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Тўлаганов Козим Носирович** — Тошкент шаҳар ҳокими

***Мамлакатимизнинг мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовар бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Авезов Узак Палуаниязович** — Қонликўл тумани «Қосжап» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жаббаров Хасан Исмоилович** — Навоий тумани А. Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Завьялова Любовь Михайловна** — Чирчиқ шаҳар «Ёшлик» маҳалла қўмитаси раиси, Тошкент вилояти

**Исмоилова Муҳайё Исмоиловна** — Миробод тумани «Қўйлиқ ота» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Исроилов Болтақул** — Самарқанд шаҳри «Намозгоҳ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Маткаримова Анабиби** — Урганч шаҳри Ал-Хоразмий номли 5-маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Мухамадиев Юнусхон** — Андижон шаҳар «Уйғуробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Нуруллаев Одил Нуруллаевич** — Янгиер шаҳар Ховос шаҳарча фуқаролар йиғинининг раиси, Сирдарё вилояти

**Обидов Ғани** — Жиззах шаҳар «Олмазар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Саидкаримов Саиднаби** — Собир Раҳимов тумани Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Сотиболдиев Кенжа** — Термиз шаҳар «Паттакесар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

